

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италиянинг Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш, жумладан, Италия ва Европа Иттифоқининг етакчи индустриал, интеллектуал ва маданий марказларидан бири бўлмиш Ломбардия билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Фаол ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро алмашинувларни йўлга қўйиш, Италия компания ва ташкилотлари билан савдо, инвестициялар, саноат технологиялари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амал-

га ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ломбардиянинг нуфузли университетлари билан юқори малакали, аввало, муҳандислик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги икки томонлама тадбирларга тайёргарлик кўриш доирасида мамлакатимиз ва Италиянинг ушбу ҳудуди ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

## УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 ноябрь куни қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Аҳолини муносиб турар жой билан таъминлаш мақсадида охириги уч йилда 104 минг жумладан, қишлоқларда 63 минг ва шаҳарларда 41 минг хонадонга мўлжалланган арзон уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шунга қарамай, бу ўсиб бораётган аҳолининг талабини тўлиқ қондириш учун етмапти. Буни жорий йилнинг 9 ойида Халқ қабулхоналарига уй-жой масаласи билан боғлиқ 36 мингдан зиёд мурожаат бўлганидан аниқлаш мумкин.

Кўпчилик уйнинг сифати талабга жавоб бермаслигидан норози. Қишлоқларда қурилган айрим маззелар муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланмаган. Баъзи уйлар сотилмай қолган, баъзиларнинг эса кредити тўланиши муаммоли.

Бу каби камчиликларнинг сабаби шундаки, арзон уйларнинг барқарор молиявий манбаси мавжуд эмас ва асосан бюджет маблағларига боғланадиган. Тизимда рақобат тўла

шаклланмаган ва хусусий сектор иштироки етарли эмас.

Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун йилига қарийб 30 триллион сўм маблағ зарур бўлади.

Шу боис кейинги йилдан бошлаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида янги тизим жорий этилади. Энди уйлар давлат томонидан эмас, тўлиқ хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат аҳолига ипотека кредитини мақбул шартларда бериш орқали уй-жойга талабни қўллаб-қувватлайди. Ипотека кредити бериш учун ресурслар миқдори банклар ва ҳудудлар бўйича чекланмайди.

Бу тизим тақлиф сифатида жойларда муҳокама қилинганда, барча қурувчи-тадбиркорлар уни ижобий қабул қилган. Аҳолининг кредит олиш имконияти кенгайтирилса, нархи хо-

зиргиларидан банд бўлмаган, лекин сифати яхши уйлар қўра олишини билдирган.

Шулардан келиб чиқиб, эндиликда шаҳарларда уй-жой қурилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан пойтахтимиз ва шаҳарларда янги тартиб асосида 13 минг 750 та квартиралар турар жойлар қурилишини амалга оширади. Бундай иморат ва мажмуалар лойиҳаси ҳам тадбиркорлар томонидан мустақил тайёрланади.

Иккинчидан, уй-жой қуриш учун ер майдонлари аукцион орқали ажратилади. Уларни сув ва канализация тармоқларига улаш, автомобиль йўллари қуриш тадбиркорлик субъектлари ҳамда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштирилади.

Учинчидан, банклар ўртасида соғлом рақобат бўлиши учун Молия вазирлиги эндиликда уйларни ха-

рид қилишга ипотека кредити бўйича қарийб 3 триллион сўмга яқин давлат ресурсларини аукцион асосида банкларга ажратади. Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ташкил этилиб, унга Осиё тараққиёт банки маблағлари жалб қилинади, ушбу маблағлар ҳам янги қурилган уй-жой сотиб олишга ипотека кредити ажратиш учун банкларга қўшимча ресурс сифатида жойлаштирилади.

Тўртинчидан, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги, энг муҳими, аниқ манзилли тизим жорий этилади. Бунинг учун шаҳарларда 10 минг 800 та эҳтиёжманд оилага уйнинг бошланғич бадали ва кредит фоиз харажатларини тўлаши учун бюджетдан субсидия ажратилади. Ушбу субсидиялар орқали Тошкент шаҳрида 12 фоиз, бошқа ҳудудларда 10 фоиздан юқори кредит фоизлари ҳамда бошланғич бадали қоплаб берилади.

Йиғилишда мутасадди вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига янги тартибда қуриладиган уй-жойлар учун ер майдонларини танлаб, аукционга чиқариш, кредитнинг юқори чегарасини ҳисоблаш учун уйларнинг бозор қиймати асосидаги ўртача нархнини белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқларда ҳам уй-жой қурилиши тизимини ислоҳ қилиш, буюртмачи функциясини "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясидан бошқичма-бошқич хусусий секторга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Аттилио ФОНТАНА:

## "ЎЗБЕКИСТОН – ИСТИҚБОЛЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италиянинг Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг Аттилио Фонтана мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Ўзбекистон билан Италия ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз борди. Шу ўринда Ўзбекистон ва Ломбардия вилояти ўртасида ҳамкорлик борасида улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Бунинг учун барча зарур шароит бор.

Мулоқот чоғида таълим, илм-фан каби соҳа-

ларда ҳамкорлик қилиш, биргаликда қўшма илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш, илмий кашфиётларни қўллаб-қувватлаш, маданий тадбирларни ўтказиш имкониятларини ошириш кераклиги қайд этилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли соҳалари жадал ривожланмоқда. Бу эса саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналар етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва бизнесда қўлланилиши мумкин бўлган янги технологияларни жорий этиш, илгор тажриба алмашишда шерикликни мустақамлаш имконини беради.

ЎЗА



## Асад ака – асл деҳқон

Гулистон қишлоғи фақат Fallaорол туманида эмас, Жиззах вилоятидаги обод масканлардан бири. Вилоят марказини Бахмал тумани билан боғлайдиган катта йўл шу қишлоқни оралаб ўтади.

Жиззах воҳасини сув билан таъминловчи Санзор дарёси ва Туятортар канали шу ерда қўшилади. Қишлоқни ёнлаб ўтайдиган "Жиззах – Ўснат" автойўлининг

икки тарафида дарахт, бирор экин экилмаган, обод қилинмаган жой йўқ ҳисоби. Боғ-роғлар, дарахтзорлар қўйнида қишлоқ уйлари базўр кўзга ташланади.

Туятортар канали кўприги яқинида бир томони боғ, бир томони экинзор ерлар "Асад аканинг даласи" деб аталади. Бу атрофда Асад Абдуалимовни танимайдиган киши кам. У кишини, агар бирон зарур юмуш билан қишлоқдан чиққан бўлмаса, йилнинг тўрт фаслида шу далада доимо иш билан банд бу тиниб-тинчимас деҳқонга "Ҳорманг!", дея тўхтаб ўтадиганлар кўп.

(Давоми 2-саҳифада)

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқларида халқимиз узоғини яқин, оғирини энгил қилаётган замонавий "ISUZU" автобуслари ва юк машиналари ўзимизда – Самарқанддаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилган.

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИГИ

## "САМАВТО"

### ДОИМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



Бундан йигирма йил аввал, 1999 йил март ойида Самарқанд шаҳрида замонавий автобуслар ишлаб чиқарилиб, Самарқанд автомобиль заводининг тижорий фаолияти бошланган эди. Дастлаб заводда 2 русумдаги автобус, 3 русумдаги юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2006 йилда "СамАвто" масъулияти чекланган жамияти Япониянинг "ISUZU Motors" компанияси ва "Itochu Corporation" корпорацияси билан ҳамкорлик ўрнатди ва заводда ISUZU шассиси асосида автобус ва юк машиналари ишлаб чиқариш бошланди.

Айни пайтда Самарқанд автомобиль заводида шаҳар ичид ва шаҳардан ташқарида ҳаракат қилишга мўлжалланган 7 турдаги замонавий автобуслар, 36 хил юк ва махсус автомобиллар тайёрланмоқда. Ҳамкорлик йўлга қўйилган 2006-2007 йилларда корхонада 1,5 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб унинг йиллик қуввати 4,5 мингта етди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Навоий вилояти

## Хусусий корхонадан замонавий ванналар

Навоий шаҳридаги "Бунёдкор – Навоий" хусусий корхонаси томонидан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган замонавий ванналар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида фаолиятини бошлаган корхонада айни пайтда 25 та иш ўрни яратилди. Ишчиларнинг 11 нафари хотин-қизларни ташкил этади. Мазкур лойиҳа фаолиятини бошлаши учун тадбиркорлик субъекти томонидан қарийб 400 минг доллар маблағ сарфланди.

Корхона жамоаси 21 кўришнидаги ванналарни ишлаб чиқариш

имкониятларини ўзлаштирган. Айни пайтда бир кунда 15 дона турли ҳажм ва кўринишдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилмоқда.

– Маҳсулот хомашёси Хитойдан олиб келинади ва корхонада қайта ишланиб, тайёр маҳсулот даражасига етказилади, – дейди корхона раҳбари Эркин

Эшпўлатов. – Мен иш юзасидан хорижий давлатларда хизмат сафарларидан бўламан. Бугун корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларни Россия, Эрон ва Хитой давлатида кўрганман. Маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш учун Россия давлатидан мутахассис тақлиф этиб, у орқали ходимларга иш жараёнини чуқур ўргатишга эришдик.



Бугун бу мураккаб жараённи ўзимизнинг жамоа амалга оширмоқда.

Корхона эркин иқтисодий зона иштирокчисига айланганлиги боис, айни пайтда солиқ ва божхона тўловларидан берилган имтиёзлар фаолиятини янада кен-

гайтиришда қўл келмоқда.

Келажақда ишлаб чиқариш корхонаси томонидан бу йўналишда Италия давлати билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Обтабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

## УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Таъкидланганидек, энди қишлоқларда уй-жойлар йўл бўйларига бир қатор қилиб эмас, шаҳар ва туман марказларига туташ ҳудудларда мавзелар шаклида қурилади. Бунинг натижасида келгусида туманларни йирик агломерацияга айлантириш мумкин. Бу эса инфратузилма харажати камайтиради, аҳолининг иқтисодий фоллигини оширади, ердан самарали фойдаланиш имконини беради. Видеоселектор йиғилишида бундай мавзеларга ер ва кредит ажратиш, инфратузилма тармоқларига улаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида жойлардаги раҳбарларга батафсил тушунтириш берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва ипотека кредити фоизини қисман қоплаш масаласида таъмин-билишчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади. Бюджетдан ажратилган субсидиялар айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига етиб боришини сўзсиз таъминлаш лозим.

Субсидия учун келаси йил бюджетдан 1 триллионга яқин сўм маблағ ажратилади ва умуман олганда, 16 мингта оиланинг шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар сотиб олишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Аҳоли субсидия олиш учун талайгина ҳужжатлар тўплаб, қатор идораларда сарсон бўлиб юриш ҳолатларига чек қўйилади. Энди аризалар Иқтисодидёт ва саноат вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган доимий комиссияларда қўриб чиқилади ва кам таъминланган оилаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади.

Ушбу комиссиялар таркибига банк, молия, солиқ, меҳнат, маҳалла ва бошқа идоралар вакиллари бўлади. Бундан ташқари, комиссия йиғилишида истаган фуқаро иштирок этиб, ўз фикрини билдириши мумкин бўлади. Қолаверса, субсидия бериш масаласи кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниши лозим бўлади.

Ҳар бир вилоят ҳокимлиги 2020 йилда уй-жой сотиб олиш учун кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга навбат билан субсидия тўлаш тартиби ва мезонларини ишлаб чиқиш, ўз ҳудудларида ижобий тажриба жорий этишлари зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда "Узшаҳар қурилиш инвест" ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари амалдаги тизим асосида шаҳарларда 4 минг 250 та ва қишлоқ жойларида 8 мингта уй-жой қурилишини давом эттиради.

Тайёр уйлар узоқ вақт давомида сотилмай туриши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида шаҳарларда қурилишни молиялаштириш тизими такомиллаштирилади. Энди турар жойларга талабгорлар рўйхати шакллантирилиб, бошланғич бадал йиғилмагунча қурилишга молиялаштириш очилмайди.

Банклар 2020 йилда амалдаги тизим бўйича шаҳарларда қуриладиган уй-жойларнинг харидорини аниқлаган ҳолда, қурилишни миқозга ажратилган ипотека кредити субсидиядан молиялаштириш тизимини жорий этадиган бўлди.

Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Ҳокимликларга шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар учун ер ажратиш, пудратчиларни аниқлаш ишларини яқунлаб, қурилишининг 2020 йил 1 мартга қадар бошланганини таъминлаш юклатилди.

Уй-жой сиёсатида янги тизимга ўтаемиз. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуд раҳбари зиммасига масъулият ва жавобгарликни олиб, янги тизим бўйича турар жой қуришда ўз тажрибасини яратиши шарт. Энди ҳокимлардан қурилган уйлар сони эмас, қурилишга нечта салоҳиятли тадбиркорлар жалб қилингани, уларга қанча ер ажратилгани, инфратузилма тармоқлари яратилгани, уйлар сифати ва нечта одамни рози қилгани сўралади, — деди давлатимиз раҳбари.

Уй-жойлар қуриш ва реализация қилиш бўйича республика комиссияси жойларга чиққан ҳолда, қурилиш ишларини назоратта олиши зарурлиги таъкидланди.

Ҳокимлар эски бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган жойларда уй қуриш масаласига алоҳида эътибор бериши шартлиги, компенсация пуллари тўланиб, мулк эгалари рози бўлмагунча бирорта кўчмас мулк бузилиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

Давлат идоралари раҳбарлари нафақат ўзининг, балки давлатнинг ҳам шаънини асрашга масъул экани, халқ билан, оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда кибрга берилмай, вазмин ва оқилона, қонунга асосланган қарор қабул қилиши шартлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга оширилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

## Асад ака — асл деҳқон

(Боши 1-саҳифада)

"Дарахт бир жойда кўкаради", деб маъжозий маънода қўлланиладиган гап Асад аканинг ҳаёти мисолида тўғри маънога эга. У эллик йилдан буён фақат бир жойда — мана шу далада меҳнат қилиб келаётди. Урта мактабни битирганидан сўнг оддий кетмончи, кейин йигирма йилга яқин бригада бошлиғи бўлиб ишлаган заминда бугун фермерлик қилаётди. Энди бу ерлар унинг ўзига, фарзандларига тегишли.

Ешлиқдан табиатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам кўплаб синовларини бошдан кечириб, деҳқончилик қилиб келаётган Асад аканинг меҳнати Истиқлол йилларида эл ҳурматида, давлат мукофотларига лойиқ қўрилди. У 1992 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвони, 1999 йили "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

— Мустақиллик туфайли ернинг деҳқонга берилиши халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида амалга оширилган катта ишлардан бири бўлди, — дейди "Савронбек-Илхом" фермер хўжалиги раҳбари Асад Абдуалимов. — Энди ҳар бир даланинг эгаси, эл-юртнинг фаровонлиги, тўқинлиги йўлида меҳнат қилаётган деҳқоннинг ўз ери бор. Шу туфайли элимиз дастурхони тўқин, деҳқоннинг оиласи фаравон.

Бир томонини Сангзор дарёси, иккинчи томонини Туятортар канали тўқинлари ўпиб оқётган бу заминнинг саховати ҳам Асад аканинг бу фикрларини айнан исботлаб турибди. Қадимдан элимизни боқиб келган



бу далалардан яқин ўтмишда собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларига вагонлаб мева, узум этнатилар, бироқ ўзимизнинг бозорга чиқаришга руҳсат йўқ эди. Асад ака айтганидек, деҳқон етиштирган неъматларига ўзи эгаллик қилмаса, меҳнатга рағбати бўлмайди. Ернинг деҳқонга берилиши туфайли етиштирган маҳсулот деҳқон оиласига даромад келтираётди, халқимизнинг дастурхонига етиб бораётди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар — ер эгаллигининг, мулк муносабатларининг ўзгариши собиқ ширкат хўжалигининг собиқ бригадири Асад Абдуалимовнинг тақдирини ҳам, юқоридан белгиланган режа асосида экин экиб келинган далаларнинг қинфасини ҳам ўзгартириб юборди.

Албатта, ўзгаришлар бирданига, осон юз бергани йўқ. Илганувчан, қишлоқ хўжалигининг барча тар-

моғини қўлининг беш бармоғидек биладиган миришкор деҳқон Асад ака фермер хўжалигини ташкил этган, винобоб узумзорнинг баҳридан ўтиб, ўрнига олма кўчатларини экиб, боғ яратди. Кўчатлар воёга етгунча дон, сабзавотдан яхши ҳосил олиб, даромадни кўпайтирди.

Фермер галла ҳосилдорлигини 30 центнердан 50 центнерга, сабзавот экинлариникини деярли икки бараварга ошириб, тасарруфидоғи 22,5 гектар ердан самарали фойдаланди. Ҳар йили ички бозорга 50 тоннадан зиёд сабзавот, 30 тоннага яқин картошка, 200 тоннага яқин мева ва бошқа маҳсулотлар етказиб бераётди. Савдо ярмаркаларида сара маҳсулотлари билан харидорларни хушнуд этаётди. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг қўллаб-қувватланаётганидан фойдаланиб деҳқончилик, боғдорчилик билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга

қўйди. Шунинг ҳисобидан қўшимча саккизта ишчи ўрни яратди. Ернинг унумдорлиги яхшиланиб, ҳосилдорлигининг ошиши хўжалик иқтисодининг юксалишига, фермер хўжалиги ишчиларининг моддий фаровонлиги ошишига олиб келаётди. Уларга ойлик иш ҳақларидан ташқари, етиштирилаётган маҳсулотнинг барча турларидан берилмоқда. Дала бошидаги шийпонда ишчиларнинг дам олишлари учун шароитлар яратилган.

Одамларга яхшилик қилиш, элнинг эзгу ишларига бош қўйиш Асад аканинг энг яхши фазилатлардан. Саховатли инсон учун савоб ишининг тури кўп. Асад ака имкониятини топса, савоб ишни ҳар куни қиладиган одамлар хилдан. Фермер болалар спортини ривожлантириш, "Нуроний" жамғармаларига, қишлоқ мактабини таъмирлашга, ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга, ободонлаштириш ишларига ҳар йили ҳомийлик ёрдами кўрсатаётди. У ўзи яшайдиган Ўрта қишлоқ оқсоқоли сифатида жамоат ишларига бош-қош бўлмоқда. Унинг ташаббуси билан қишлоқнинг ички йўллари таъмирланиб, четларига терак кўчати ўтказилди.

— Қишлоғимиз обод, турмушимиз фаровон, — дейди Асад ака. — Набираларим замонавий мактабда, ҳудудимиздаги қишлоқ хўжалиги касб-хуна колледжига ўқимокда. Мени қувноқларидан яна бир муҳим жиҳат, фарзандларим, набираларим ота-боболари меҳнат қилиб, ризқ-насиба ундириб келган далага меҳр билан улғайишаётгани, ўз келажаклари сари эзгу мақсад йўлида интилишларидир. Бу юртимизда одамларнинг бахтли яшашлари учун барча шароитлар, имкониятлар яратилгани туфайлидир.

Турғун МУҚИМОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИГИ

## "САМАВТО" ДОИМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Боши 2-саҳифада)

Энг муҳими, утган даврда самарқандлик автомобил-созлар ўз миллий маҳсулоти — LE60 паст сатхли шаҳар автобусини яратиб, уни кенг қўламда ишлаб чиқармоқда. Ҳозир ушбу турдаги замонавий автобуслар пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Грузия ва бошқа давлатлардан ҳам LE60 га буюртмалар кўп.

— "Itochu Corporation" билан савдо масалаларида ҳамкорликни амалга оширсак, ишлаб чиқариш жараёнлари бевосита "ISUZU Motors" компанияси билан боғлиқ, — дейди Самарқанд автомобиль заводи бош директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари Хусен Қобилов. — Компания томонидан бизга 5 тоннадан 17 тоннагача юк кўтариш қувватига эга 16 хил шасси етказилмоқда. Шу асосда корхонада 40 турдан ортиқ кузовлар ўрнатилган кичик, ўрта ва оғир юк кўтариш машиналари, турли махсус транспорт воситалари ва автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда япониялик ҳамкорлар билан биргаликда корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича қатор лойиҳалар устида иш олиб бораемиз.



ҳамкорлар билан биргаликда корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича қатор лойиҳалар устида иш олиб бораемиз.

Кейинги йилларда корхонада замон талабларига мос бошқарув тизимлари жорий этилмоқда. Ҳар бир моделни ишлаб чиқаришда халқаро ва миллий стандартларга қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишчи-ҳодимлар учун юртимизда ва Японияда мунтазам равишда малака ошириш курслари

фойдаланилаётган технологиялар, асбоб-ускуналар мунтазам янгиланиб борилмоқда. Жумладан, кузовларни бўяш цехи тўлиқ замон талабларига мос ҳолда янгиланди. Айни пайтда япониялик ҳамкорларимиз билан янги цех, қўшимча бино ва бошқа зарур бинолар қуриш бўйича лойиҳалар устида иш олиб бораемиз. Бу лойиҳа 2021 йилда якунланиши белгиланган. Бунга япониялик ҳамкорларимиз ҳам инвестиция киритиши кутилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга ошгач, корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 мингтага етказилади.

чи-ҳодим меҳнат қилаётган Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган автобуслар, юк ва махсус транспорт воситалари бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Афғонистон, Грузия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда экспорт географиясини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида яқин кунларда Украина ва Яқин Шарқ мамлакатларига "СамАвто" автомобилларини етказиб бериш йўлга қўйилади.

Бозор талабига қараб маҳсулотлар тури, сифатини ошириб бораётган Самарқанд автомобиль заводи тез орада янги турдаги автотранспорт воситаси тақдим этишни режалаштирган.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бугун дунёда кечаётган глобаллашув ва миллатларо интеграция жараёни инсонлар ўртасида ахборот алмашиш суръатини ҳам тезлаштирди. Бу эса, кишиларга кўпгина ижобий имкониятлар бергани ҳолда, ғаразли мақсаддаги кимсалар учун ҳам ўзини намоён этишга шароит яратди.

Айниқса, айрим ахборот сайтларида ўзини "шайх", деб эълон қилиб, "дин ҳомийси", "соф ислом даъвогарини" сифатида кўрсатишга ўринаётганлар кўпайиб бораётгани ташвишлидир. Зеро, ҳали медиа маконидоги ахборот хуружлари ва соф ислом дини илмидан хабарсиз айрим

ёшлар ғаразли мақсадда тарқатилган маълумотни ҳақиқий манбадан ажрата олмай қолаётгани, минг афсуски, ҳақиқат.

Маълумотларга эътибор берсак, бундай кўштирноқ ичидоги "жиҳодий" гуруҳларнинг ташкил топишида дунёдаги бир-бирига рақобатчи давлатлар ва кучлар туриши аён бўлади. Энг афсусланарлиси, бундай кучлар ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишда бундан-да оғир йўқотишлардан ҳам чекинмаслиги ойдинлашади. Зеро, бундай ҳолатда асосан сиёсий жиҳатдан тўлиқ шаклланимаган ёки аҳолиси турли этник миллатлардан ташкил топан мусулмон ўлкалар, давлатлар ҳамда "сохта диний" ғояларга ишониб, ўзини қурбон қилишга тайёр турган ёшлар жабр кўради.

Энг ёмони, бу каби курашларда

"қофирга қарши жиҳод қилиш" ғояси илгари сурилиб, авом халқини айнан шу ғоя асосида жаҳолатга бошлаш осон кечиши ҳам равшанлашади. Бундай пайтда "дин ҳомийлари" барчани ўз эътиқодига қўшилмаган ва қўллаб-қувватламаган ёки уларга қарши бўлганларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, муртадликда айблаб жазолаш ва мурсосиз кайфият уйғотишга эътибор қаратади.

Қайд этиш лозимки, мазкур ғоялар ўша вақтда дунёнинг кўзга кўринмас кучлари учун муваффақият келтирган бўлса-да, кейинчалик у нафақат бутун мусулмон олами балки, "ташкilotчи" ларнинг ўзи учун ҳам катта муаммони келтириб чиқарди. Зотан, бугун ушбу машъум хатони на сиёсатчилар, на дин арбоблари ва на ҳарбий куч билан йўқ қилиш имкони бўлмапти. Натижада, Афғонистон ва Покис-

тон ўлкаларида яшовчи турли диний ва этник халқлар учун мисли кўрилмаган ижтимоий, диний, иқтисодий ва демографик йўқотишлар ҳануз давом этмоқда. Қарийб 40 йилдан буён миллионлаб инсонлар, норасида гўдақлар, аёллар мазкур машъум ғоя асосидаги урушнинг қурбонига айланмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам мусулмон ўлкаларида ислом дини номидан иш юришиб, қайсидир "кучлар"нинг манфаати йўлида хизмат қилаётганлар йўқ, деб ўйлайсизми? Содда, авом мусулмонларни мана шундай чиркин йўнларга чорлаётган "дин ҳомийлари" ўз чўнтақларига миллионлаб долларни солиб, уларнинг қўлига қурол тутқазган ҳолда ўлимга бошлаётгани ҳақиқат-ку!

Бугун ўзи хорихда туриб олиб, содда халқимизнинг динга бўлган эътиқо-

дидан фойдаланётган, мана шундай чиркин йўнларга чорлаётганларни ким деб аташ мумкин?!

Яқин тарихда бундай машъум воқеалар юртимизни ҳам четлаб ўтмагани ҳаммамизга кундай равшан. Афсуски, халқимиз орасида ҳалигача кўзи очилмаган, адашган инсонлар борлиги ачинарли ҳол, албатта. "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" деганларидек, ўзимизнинг юртимиз опимлари қолиб, на Ватани, на устози, на ўзининг насл-насаби тайин бўлмаган, кимларнингдир соясига яшириниб, ўзини "шайх", деб атаб, муқаддас динимизни булгаётган хонларга қўлоқ солаётганлар минг афсуски, ҳамон учраб турибди.

Аслида муқаддас манбаларда динимизни кимлардан ўрганишимиз кераклиги аниқ кўрсатилган. Жумла-

## Дин олами кимдан ўргоняписиз?

дан, Расулulloх саллalloху алайҳи васаллам: "Албатта, бу дин илмдир, Сизлар илмини кимдан олаётганингизга қаранг", деб марҳамат қилганлар (Муслим ривояти). Бу борада яна кўплаб ҳадис ва салаф уламоларимизнинг ўғит ва насиҳатларини далил сифатида келтиришимиз мумкин.

Биз ушбу мақола орқали ўз фикримизни қувватлаш ёки баҳс-мунозарга киришни мақсад қилмадик. Балки мусулмон киши ўтаётган ҳар бир кундан, ҳар бир лаҳзасидан ўзига сабоқ чиқариб яшаши лозимлигини яна бир бор эслатмоқчимиз, ҳоло.

Асл мазмун ва моҳияти ТИНЧЛИК бўлган муқаддас динимиз таълимоти ўзининг ғаразли ва тор мақсади йўлида талқин қилиб, халқимизнинг динига бўлган ихлождан фойдаланишга уринаётган кимсаларнинг сўзига, энг аввало, илм ва соғлом фикр, юксак ахлоқ ва тақво билан муносиб жавоб қайтариш энг тўғри йўлдир.

Аъзамон ҚАМБАРОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ходими.

Тошкент вилояти

# ОХАНГАРОН ЧОРВАЧИЛИК ТУМАНИГА АЙЛАНТИРИЛМОҚДА

## бунинг натижасида ҳудудда икки мингга яқин янги иш ўрни яратилади

Президентимиз Тошкент вилоятига ташрифлари чоғида Охангарон туманида ҳам бўлиб, ушбу гўзал воқеани азалдан яхши билишлари, шароит ҳамда қулай имкониятларидан келиб чиқиб уни чорвачилик туманига айлантириш бўйича топшириқ берган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг ушбу таклиф ва ташаббуслари азалдан чорвачилик билан машғул бўлиб, ушбу соҳага меҳр қўйган туман аҳолисини беҳад руҳлантириб юборди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 октябрдаги «Тошкент вилояти Охангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори эса қалбда эзгу ниятлари бўлган кўплаб тадбиркор чорвадорларнинг янги гоғларини амалга оширишлари кенг имконият яратиб берди. Айни кунларда туманда бўлган киши юқоридаги Ҳаётбахш ҳужжат асосида қатъий белгилаб олинган дастурлар ҳамда тузилган «Йул харитаси» бўйича бошлаб юборилган кенг кўламли ишлар устидан чиқади. Ҳукумат қарори ижроси борасида 23 та янги истиқболли лойиҳалар тасдиқланган бўлиб, уларнинг 13 тасини қорамолчилик, 10 тасини қўйчилик йўналишлари бўйича амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида туманга хориждан 44 минг 500 бош насли қорамол ҳамда 15 минг бош зотдор майда шохли чорва ҳайвонлари келтирилади. Замонавий чорвачилик мажмуаларини куриш мақсадида туманининг турли ҳудудларидан тадбиркорларга 100 гектар ер майдони ажратилди. Қўрсатилган майдонларнинг ўнтасида ҳозирдан қурилиш,

бунёдкорлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Тадбирларнинг амалга оширилишини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга «Қишлоққурилишбанк», «Агробанк» ҳамда Халқ банки масъул этиб белгиланган. Тадбиркорларга ушбу молия муассасалари кредитлар ажратади. Лойиҳаларнинг 236414 миллион сўми ташаббусларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Белгиланган дастурларда истиқболда чорвачилик учун ажратилаётган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, илм-фан асосида инновацион гоғларга таяниб иш юритиш, томчилатиб сугоришни кенг жорий этиш масалалари арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратяди.

Амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси мониторинги бўйича етакчи координатор, туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи Хусан Юнусов ҳамкорлигида чорвадорлар хузурида бўлиди. «Дўстлик йўли обод эрам» фермер хўжалиги наслчилик йўналишларида фаолият юритади. Ихтиёрида 350 бош хориждан келтирилган зотли қорамол бўлиб, уларнинг 120 боши соғин сигирлар. Айни вақтда кўнига 2,5 тоннадан зиёд

маҳсулот таёрланмоқда. Хорижий соғиш ускуналари ва бошқа замонавий техникалар эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Хўжалик раҳбари Сайидрасул Урунов соҳада бой тажриба тўплаган, ишбилармон чорвадорлардан ҳисобланади. У мазкур фермани 2011 йилда анча оғир аҳволда харид қилиб олган. Ўтган даврдаги тинимсиз ишлаши туфайли тумандаги илғор фермерлар сафидан ўрин олди. Натижада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалардан бири унга насиб этди.

– 2021 йилгача насли қорамоллар бош сонини 1000 бошга етказиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди, – дейди фермер. – Шу ниятда қўшимча замонавий молхоналар қуришга асос соляпмиз. Томчилатиб сугориш асосида озука етиштирилади. Насиб этса, ҳадемай, янги натижаларимиз кўзга ташланади.

«Гулбод мева» хўжалиги ҳам тумандаги илғор чорвачилик жамоаларидан ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда 800 бошга яқин зотли қорамоллар парвариси қилинмоқда. Эътиборлиси, 250 бош соғин сигирлардан олинаётган маҳсулотнинг 2,5 тоннаси шу ернинг ўзида хорижий технология

асосида барпо этилган цехда қайта ишланмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили аҳолига 200 бош насли бузоқ етказиб берилаётир. Рустам Калонов, Мухтор Асқаров, Ғовмиддин Надиров ҳамда Нурғали Абдуллаевлар жамоанинг энг жонкуяр ишчилари ҳисобланади. Чорвачилик мажмуасида самарали меҳнат қилиш учун барча қулайликлар яратилган. Хўжалик раҳбари Қаҳҳор Қорабоев чорвани жон дилдан севадиган ташкилотчи ва жонкуяр етакчилардан.

– Яратилаётган қулай имкониятлардан фойдаланиб, бизда ҳам янги гоғлар пайдо бўлди, – дейди Қаҳҳор ака. – Шу кунларда маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида бир кунда қайта ишланаётган сут ҳажмини 10 тоннага чиқариш, гўштни қайта ишлашни йўлга қўйиш, 1000 тонна сигимли совитич ва иссиқхоналар қуриш, мавжуд интенсификацияни кенгайтириш саъй-ҳаракатида миз.

## “Агробанк” юридик шахслар учун янги хизмат таклиф этмоқда

«Онлайн кредит»дан тадбиркорлик субъектлари 2 хил усулда – «Agrobank mobile» мобил иловаси ва «Интернет банкинг» тизими орқали фойдалана олади. Ушбу хизматдан миқоз қўл телефони, планшет ёки ноутбук орқали фойдаланиши мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 50 миллион сўмгача бўлган маблағ кредит таъминотисиз тақдим этилади, ундан юқори бўлган кредит маблағлари учун эса сугурта полиси талаб этилади. Мазкур хизматдан ташқари, молия муассасаси томонидан миқозлар учун бир қатор янги банк хизматлари амалиётга жорий этилди. Жумладан, юридик шахслар учун «Agrobankmobile» мобил иловаси орқали юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг ҳисобрақамларидаги маблағларни тасарруф этиш (бошқариш), товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш, исталган муддат

учун ҳисобрақамлардан кўчирмалар олиш ва турли ҳисобларни шакллантириш ва бошқа имкониятлар яратилди. Бугунги кунда ушбу илоадан фойдаланаётганлар сони 50 миңдан ошди. Халқаро молия институтлари ва банкларнинг хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича ишлар ҳам ривожлантирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 8 та хорижий банк билан 355 миллион АҚШ доллари миқдорда линияларни жалб этиш бўйича келишувга эришилди ва ушбу маблағлар ҳисобидан тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳалари молиялаштирилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳридаги «Hyatt regency» меҳмонхонасида «Агробанк» АТБ томонидан юридик шахслар учун жорий этилган янги «Онлайн кредит» хизмат тури ҳақидаги тақдиротда шу ва тизимда амалга оширилган бошқа ишлар ҳақида сўз борди.

Ўз мухбиримиз

### Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг!

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи ҳисобига яхши ниятда бино ёки уй қуришни бошлайдди.

Аммо фуқароларнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ қараганлиги сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир неча дақиқалар ичида қулга айланади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингизни сўраймиз. Доимо хушёр бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали ўзингиз, оилангиз ва мол-мулкнингизни ҳимоя қиласиз.

**Хуришд ИСМОИЛОВ,**  
Мирзо Улугбек тумани  
ЕХБ инспектори,  
лейтенант.

Фарғона вилояти

# Ота касбини ардоқлаб...

## ЁЗЁВОН ТУМАНИНИНГ ФАРОВОН ҚИШЛОҚЛАРИДАН БИРИ ХОНОБОДНИ ОБОД ВА КЎРКАМ ҚИЛГАН ШУ ҚИШЛОҚНИНГ МЕҲНАТКАШ ВА ҲАЛОЛ ИНСОНЛАРИДИР. ИЛҒОР ФЕРМЕР АБДУРАСУЛ ТЎРАЕВ ҲАМ ЎЗИ ЭРИШАЁТГАН ҲАР БИР ЮТУҚ БИЛАН ҚИШЛОҚНИНГ ОБОД БЎЛИШИГА ҲИССА ҚўШАДИ.

Деҳқончилик унга ота мерос. Сабаби, отаси раҳматли Ҳасанбой ота Фарғона пахтачилигида ўзига хос из қолдирган миришкорлардан эди. Абдуракул воёга етиб, мактабни тугатар экан, бирор бир олийгоҳга ўқишга киришини жудаёя истарди. Аммо ўғли Ёзёвонда жойлашган Фарғона қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киришни ихтиёр қилган. «Олманинг тагига олма тушади, деб бежиз айтилмаганда. Деҳқончилик ўлмас касб. Ризқининг ҳалолдан топасан, омадингни берсин болам!», деган экан ўғлига.

Абдуракул 1981 йилда техникумни битириб, давлат хўжалигига ишга келди. Хўжалик раҳбари мутахассисларга эҳтиёж катта эканлигини айтиб, уни битта бўлимга агроном-энтмолог вазифасига тайинлади. Абдуракул отасининг ёнида юриб, тажриба орттирган эди. Тажриба ва техникумда олган билимлари унга фаолиятда асқотиб, вазифасини аъло даражада бажарди. Ҳашаротларга қарши курашиб, экинлар ҳосилдорлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Абдуракул бу вазифада олти йилдан кўпроқ вақт меҳнат қилди. Сўнг уни бўлим агрономлигига ўтказишди. Энди унинг масъулияти янада ортди. Негаки, бўлим

нинг ер майдонларида етиштирилаётган ҳосилга у жавобгарда!

Абдуракулнинг одамлар билан чиқишиб кетадиган, уларни орқасидан эргаштирадиган хислати бор эди. Шу туфайли дала меҳнаткашларининг қалбига йўл топди. Давлат хўжалиги раҳбари жуда зийрак одам эди, Абдуракулнинг яхши мутахассис эканлигига ишонч ҳосил қилган, бу вазифадан бўлим бошлиғи вазифасига ўтказди.

1994 йилда давлат хўжалиги тугатилиб, йирик ширкат хўжалигига айлантирилди. Бу хўжалиқда иккита бўлим ташкил қилиниб, унинг биттасига Абдуракул Тўраев

бошлиқ этиб тайинланди. Уч йилдан кейин эса уни дончилик учун масъул қилишди. Негаки, хўжалиқда шу соҳа сал оқсаган эди. Яна икки йил бу вазифада ўзини кўрсатган, уни бош ҳосилот лавозимига кўтаришди.

Қишлоқ хўжалигини испохотлар амалга оширилиб, паст рентабелли хўжалиқлар тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил қилина бошлади.

Қаҳрамонимиз ҳам етти ўлчаб, бир кесдида фермер бўлишга аҳд қилди ва 25 гектар ер олиб, фермер бўлди. Ҳамиша эскилик ўз ўрнини янгиликка қийинчилик билан бўшатиб берган. Галла экинини кўпайтириш ҳақида ҳеч қачон бундай эркинлик бўлмаган эди. Яна, режадан оширилган ҳосил фермернинг ўзида қолади. Ярни пахта, ярни дон экинлари экинлардан ерларга маҳаллий ўғит қанча қўл солинса, минерал ўғитлар парварииш даврида етарли тушса, ишлов бериш ўз вақтида бўлса, сугориш кечикмаса, ҳосилдорлик ошаверади. Фермер шундай йўл тутди, ерни алдамади, экинларни ардоқлади. Бора-бора ерига ер қўшилди, 2010 йилга бориб 127,5 гектарга етди.

– Мана шу 127,5 гектарга яна ер қўшиб бериш ҳақида таклиф бўлди, – дей-

ди қаҳрамонимиз. – Уни қабул қилиб олишимиз мумкин, лекин масъулияти катта. Йўқ дедим, бошқа ер қўшмаймиз, шу ерлардан олинандиган ҳосилдорликни оширсак, таннархини камайтирсак, ерга ер қўшганчалик бўлаверадди. Шундай ҳам бўлди, астойдил ишладик, бирон йил йўқки, пахта, бошоқли дон экинларидан олинган ҳосилдорлик кўзланганидан паст ёки контрактация режалари бажарилмаган бўлса. Энг кам ҳосил топширган йилимиз режанинг 110 фоизга, қолган йиллари 130-147 фоизга бажариб келганмиз. Фермер хўжалигимиз ташкил топган йили 35 нафар маҳалладошларимизни ишга олган эдик. Мана, ҳозиргача улар ишляпти. Машина вақтида берамиз, манфаатдорлигини жойига қўямиз.

Абдуракул Тўраевнинг кўнгли ҳам, қўли ҳам очик. Бу фаиллати ҳамқишлоқларининг эътирофидан маълум.

– 2010 йили йилги қизик воқеа юз берди, – дейди фермер. – Пахта экинган ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтардик, даромад шунга яраша. Дала шийпонимизда байрам қилдик. Қўтилмаганда вилоят ҳокими келиб, байрамимизда да иштирок эди. У пайтларда ўзимизнинг энгил автомашиналарни сотиб олиш учун анча вақт навбат куттиш керак эди. Ҳоким чин кўнглидан табриклади ва «Юқори ҳосил олган фермерларга навбатсиз «Ласетти» автомашинасини беришга қарор қилганмиз, шуларнинг бири Абдуракул Тўраевга берилади», деди. Бошимиз омонга етди. Ҳозир шу машина узогимизни яқин қияпти.

Жорий йил Фарғона деҳқонлари учун чиндан ҳам галла, пахта йили бўлди, деган гапни кўпчиликдан эшитдик. Бу гапни Абдуракул Тўраев ҳам гапирди.

– Меҳнат қилмасак, инновацион технологиялардан фойдаланмасак, шундай

бўлармиди, – дея ўзига ўзи савол беради фермер. – Албатта йўқ, бу йил Фарғона деҳқонлари шиддат билан ишладилар, сув етмай қолмасин, ҳозир жазирамада тўкилиб кетмасин, ҳашарот урчиб кетмасин, деб байрат билан ишлади. Натижа эса қутилганидек бўлди. Фарғоналиклар деҳқончиликда қарвонбош бўлдилар.

Жорий йил пахта ҳосили эса ҳар йилгидан ҳам мўл бўлди. Биринчи терминнинг ўзидан гетарига 36-37 центнердан пахта хомашеси йиғиштириб олинди. Октябр ойининг ўртасига бориб, иккинчи терим ҳисобига ҳосилдорлик 46 центнерга етди.

Абдуракул Тўраев кластер усулидан жуда мамнун. Яқин йилларда ҳам «Ёзёвон туманида пахта яхши бўлмапти, бошқа экин турларини эксап иш ўнганларди», деган иддаолар чиппака чиқди. Туман пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб режани бажариб, мавсум охиригача пешқадамликни қўлдан бермади.

– Баҳоидир Логон текст» МЧЖ тўқимачилик корхонаси кластери ҳамма шароитни яратиб берди, – деди Абдуракул уларнинг фаолиятига тўхталиб. – Ўғит ва ёнилгидан қийналмадик, айниқас, терим пайтида. Бу йил вилот бўйича 9 та туман кластер усулига ўтиб ишлади. Ҳаммасининг юзи ёруғ бўлди.

Меҳнатлари муносиб баҳолашиб, 2017 йили «Шухрат» медали билан тақдирланган фермер етиштирилаётган галла ҳосили ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Ҳар йили гектарига 60-69 центнердан, бу йил эса 72 центнердан ошириб ҳосил олинди. Айни кунларда далада бир текис униб чиқиб, қўкка бўй чўзаётган бугдой майсалари эса фермернинг келгусидаги ютуқларидан дарак бериб турибди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,  
«Qishloq hayoti» мухбири.



# Мамлакат флораси – УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИК

Бугунги кунда ўсимликларни турли зараркундалар таъсиридан сақлаш, аҳолини сифатли буюмлар ва озиқ-овқат билан таъминлашдек муҳим масалада ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар алоҳида ўрин тутаяди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари томонидан чет мамлакатларга экспорт қилинган 269 минг 722 тонна карантин назоратидан ўтказилган 494 минг 981 дона ҳар хил мевали ва манзарали кўчатлар ҳамда гуллар карантин назоратидан ўтказилиб, уларга 11

минг 739 нусха дунё андозасидаги фитосанитар сертификатлари берилди. Бундан ташқари, инспекциянинг чегара масканларида хориждан кўл юки ва почта орқали келтирилган импорт ўсимлик маҳсулотлари инспекторлар томонидан назоратга олиниб, уларга Импорт карантин рўхсатномаси асосида керакли ҳужжатлар расмийлаштириб берилмоқда. Шунингдек, айрим ҳолатларда ўсимлик маҳсулотлари хориждан карантин ҳужжатларисиз олиб келинаётган бўлса, бундай ҳолатда божхона ходимлари билан биргаликда жисмоний шахслар иштирокида далолатнома тузилиб, маҳсулотлар марказий карантин лабораториясига топширилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятида зарарланган, деб топилган ўсимлик маҳсулотларини зарарсизлантириш жараёни ҳам муҳим ўрин тутаяди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиздан чет давлатларга экспорт қилинган 27 минг 583 тоннадан ортиқ ҳар хил ўсимлик маҳсулотлари, импорт бўлиб келган 16 минг 370 тонна карантин назоратидаги юклар зарарсизлантирилди. Бундан ташқари, 196 минг 347 минг метр куб ҳажмдаги омборхоналар, 2 минг 736 метр куб ёғоч маҳсулотлари, 39 минг 926 метр куб юк ташийдиган транс-

порт воситалари ҳам махсус йўллар билан зарарсизлантирилди.

Мамлакатимиз флораси барчамизнинг умуммиллий бойлигимиз. Кийим кечагизимиздан тортиб, ҳар кунлик озиқ-овқатимизгача, яшаётган уйимиздаги жиҳозларгача деярли ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланади. Шундай экан, ўсимликларни турли зараркундалардан сақлаш, нафақат карантин инспекцияси ходимларининг, балки ҳар биримизнинг табиат ва жамият олдидаги инсоний бурчимиздир.

Мавлуда СУЛТОНОВА,  
Тошкент шаҳар  
Ўсимликлар карантини  
давлат инспекцияси  
бошлиғи ўринбосари.

## Реклама ва эълонлар

**PLANETA SERVIS**

### ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



**(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125**

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.  
Хизматлар лицензияланган.

## Реклама

“Ўзгротехсаноатколдинг” акциядорлик жамияти тизимидаги  
“ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ”  
акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.





Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй.  
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тел: (99) 844 29 03 (90) 948 24 00  
(93) 552 24 00 (93) 548 24 00



**alfa milk**  
everything for livestock farmers

“Alfa Milk” компанияси Германия, Австрия, Голландия, Чехия, Эстония, Украина давлатларидан насли қора молларни (сут ва гўшт йўналишида) буюртма асосида етказиб беради. (Камида 1 фура-33 бошгача) Шунингдек, фермерлар учун мобиль соғиш аппаратлари, соғим заллари, танк охладителлар, миксерлар олиб келиб, ўрнатиб беради.



www.alfamilk.uz

Манзил: Тошкент ш. Бектемир пост.

Тошкент ш. Сергели т. ДХМ томонидан 2018 й. 23 майда 6106022 роевст рақами билан рўйхатдан ўтган Сергели т. Жанубий Сановат Худуди Социл бўйи кўчаси 55-уйда жойлашган “SOHICKENT QURILISH XIZMAT” МЧК (СТИР 305562888) муассисининг 2019 й. 9 ноябрдаги қарори билан илтифий тугатилди. Давлолар МЧК маъносида эълон чоп этилган санадан бошлаб 2 ой мuddатда қабул қилинади. Тел.: (90) 968-88-83.

Шайхонқоҳур т. ДТМ томонидан рўйхатдан олинган “OMAR-KIDS” ХКнинг фаолияти тугатилгани маълум қилинади.  
Тошкент ш. Чилонзор т. ДХМ томонидан 2013 йил 21 январда 008508-08 рақам билан рўйхатдан ўтган Тошкент ш. Чилонзор т. Бунёдкор шоҳ кўчаси 11-уйда жойлашган “VIET LUX GROUP” МЧК (СТИР 302467342) тугатилди. Давлолар учун тел.: (90) 321-03-85.

“TOSH KOMMUNAL TA'MINOT” МЧК “SHIRCHIQ SAVDO BARAKA” МЧКга бирлашиши муносабати билан барча кредиторларни хабардор этади.  
“ABSOLUTUS PERFECTIO MAXIMUS” ХК 08.11.2019 санадаги қарори-га биноан илтифий равишда тугатиш мuddатини қўшимча 1 ойга чўганини маълум қилади.



**PROMZONA AGRO**

(71) 280-00-71  
(71) 280-00-72

Маҳсулотлар сертификатланган.

**BELARUS**  
ТРАКТОРЛАРИ СOTUVДА  
МАВЖУД

Хизматлар лицензияланган.

**ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар



Маҳсулотлар сертификатланган.  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент давлат аграр университети раҳбарияти ва жамоаси “Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими” ёрдамчи ишчиси  
Хусниддин ота ХОШИМОВНИНГ  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

## QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
тарихидаги ҳамда бошқа  
даҳлдор вазирлик ва идоралар.

### Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдураул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

### Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03;
- Бухоро – (+99891) 401-29-59;
- Жиззах – (+99893) 940-10-78;
- Навоий – (+99891) 332-50-99;
- Наманган – (+99893) 948-53-88;
- Фарғона – (+99890) 407-76-03;
- Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
- Сирдарё – (+99894) 188-23-60;
- Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
- Тошкент – (+99890) 976-39-58;
- Хоразм – (+99897) 790-47-61;
- Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

### Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ,  
Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва  
дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 639 нусхада чоп этилди.  
НАШ ИНДЕКСИ – 144  
Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 00.20

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАҚБЕРДИЕВ